**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Р.Д. АЛОЕВ, Ш.Б. Жураев**

# Ахборот ҳимоясининг криптографик усуллари

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**Тошкент-2018**

Ушбу ўқув-услубий қўлланма Ахборот ҳимоясининг криптографик усулларини ўрганувчиларига мўлжалланган бўлиб, унда Ахборот хавфсизлигини таминловчи бир қанча криптографик алгоритмлар ҳақида қисқача баён этилади. Ушбу қўлланмадан, 5А330302 - Ахборот хавфсизлиги (математик ва дастурий таъминоти) мутахассислиги бўйича таҳсил олаётган талабаларга мўлжалланган «**Ахборот ҳимоясининг криптографик усуллари**» фани учун таянч ўқув қулланма сифатида фойдаланиш мумкин.

**Муаллифлар:**

**Алоев Р.Д.**- ЎзМУ, математик моделлаштириш ва криптоанализ кафедрасининг мудири, физика-математика фанлари доктори, профессор.

**Жураев Ш.Б.** - ЎзМУ, математик моделлаштириш ва криптоанализ кафедраси магистранти.

**Тақризчилар:**

**Мухамедиева Д.Т.** - Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги Дастурий маҳсулотлар ва аппарат-дастурий мажмуалар яратиш маркази етакчи илмий ходими, техника фанлари доктори, профессор

**Музафаров Х.А.** - ЎзМУ, математик моделлаштириш ва криптоанализ кафедрасининг профессори, физика-математика фанлари доктори.

**Масъул муҳаррир:**

Ўқув услубий қўлланма Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (  -йил,  -баённома)

## Мундарижа

## 1. Шифрлаш функцияларини қуриш. Бир томонлама функциялар(*1 амалий машғулот*).

Фараз қиламиз очиқ матндаги алфавит ҳарфларининг сонли эквиваленти қуйидаги кўринишда:

$$A = \{1, 2, \dots, n\},$$

ва $m$ узунликдаги $T$ дастлабки очиқ матн эса

$$T = t_1, t_2 \dots t_m, t_m \in A.$$

кўринишда берилган бўлсин.

Шифрлаш функцияси деб аргументнинг $x_1 \neq x_2$ ҳар хил қийматларига функциянинг $f(x_1) \neq f(x_2)$ ҳар хил қийматларини мос қўйадиган функцияга айтилади.

Масалан

$$T = t_1, t_2 \dots t_m, t_m \in A.$$

очиқ матн учун

$$E = f(t_1)f(t_2) \dots f(t_m)$$

шифрматнга эгамиз, бу ерда $f(t_m)$ ихтиёрий бутун бўлмаган ҳақиқий қиймат бўлиши мумкин.

*1 мисол.* Шифрлаш функцияси сифатида

$$Y = \sin(\pi(x-1))/2(n-1)$$

функциясини олсак, унда у

$$A = \{1, 2, \dots, n\}$$

алфавит ҳарфларини [0,1] кесмага акслантиради.

Агарда $T = \text{БАС} = 2\_1\_3$ (рус алифбоси учун $n = 33$) бўлса, унда унинг криптограммаси қуйидаги кўринишда бўлади:

$$E = \sin \pi/64 \_ \sin 0 \_ \sin \pi/32 \ .$$

*2-нчи мисол.* Энди биз тез ўсувчи шифрлаш функцияси ёрдамида шифр мисолини кўриб чиқамиз, айнан $I(u, p)$-($GF(p)$-Галуа майдонида даражаси $u$ бўлган кўпҳадлар сони) функцияси ёрдамида.

Ҳар бир $t \in A$-ни $GF(p)$да даражаси $t$ бўлган оддий кўпҳад коэффициентларидан иборат сўзга мос қўйамиз. Бундай сўзни узунлиги $n+1$ га тенг.

Масалан $p = 2$ бўлганда (1-нчи жадвалга қаранг), агар

$$T = \text{БАС} = 2\_1\_3$$

бўлса, унда қуйидаги тўртта шифрматларни оламиз:

1. $E = 00\dots111\_00\dots01\_00\dots1010$
2. $E = 00\dots111\_00\dots01\_00\dots1110$
3. $E = 00\dots111\_00\dots11\_00\dots1010$
4. $E = 00\dots111\_00\dots11\_00\dots1110$

1- жадвал.

| $t$ | 1 | 2 | 3 | 4 | … | $n$ |
|---|---|---|---|---|---|---|
| $f(x)$ | $x$<br>$x+1$ | $x^2+x+1$ | $x^3+x+1$<br>$x^3+x^2+1$ | $x^4+x^3+x^2+1$ | | |
| $e$ | 00…01<br>00…11 | 00…111 | 00…1011<br>00…1101 | 00…11101 | | |

Таъкидлаш жоизки $T$ – очиқ матнни бу шифрлаш усули унда ҳарфларни учрашув частотасини тарқатиб ташлайди. Ундан ташқари $t \in A$ битта ҳарфини ифодалаш учун тартиби $t$ бўлган $p$ ўсиши билан миқдори тез ўсадиган оддий купҳадлар $I(t, p)$ миқдоридан фойдаланиш мумкин.

Кўрсатилган функцияларни шифрлаш функциялари сифатида ишлатиш мумкинлигига қарамасдан, амалда одатда бир томонлама функция ёки $S$ сирга эга бўлган бир томонлама функциялардан фойдаланишади. Бир томонлама функция тушунчаси Диффи ва Хеллман томонидан 1976 йилда киритилган.

*Бир томонлама* функция деб қуйидаги иккита хоссага эга бўлган $F(x)$ функцияга айтилади:

1. $F(x)$ қийматини ҳисоблаш полиномиал алгоритми мавжуд;
2. $F(x)$ ни тескари қийматини ҳисоблаш, яъни берилган $y$ бўйича $F(x)=y$ тенгламани $x$-га нисбатан ечиш полиномиал алгоритми мавжуд эмас.

$S$ сирга эга бўлган *бир томонлама* функция деб $S$ параметрга боғлиқ бўлган қуйидаги хоссаларга эга бўлган $F_S(x)$ функцияга айтилади:

1. Ҳар қандай $S$ учун $F_S(x)$ қийматини ҳисоблаш полиномиал алгоритми мавжуд;
2. $S$ маълум бўлмаганда $F_S(x)$ ни тескари қийматини ҳисоблаш полиномиал алгоритми мавжуд эмас;
3. $S$ маълум бўлганда $F_S(x)$ ни тескари қийматини ҳисоблаш полиномиал алгоритми мавжуд.

Бир томонлама функцияларни мавжудлиги бардошли криптотизимлар қуришни зарурий ва етарли шартидир. Бунда ушбу функцияларни тескари қийматини ҳисоблаш муайян мураккаб математик масалага эквивалентдир.

## Масала ва машқлар

1. Қуйидаги функциялардан қайси бирлари шифрлаш функциялари бўла олади?
   1) $y = 7x + 13;$
   2) $y = 13x^2 + 6 + 14;$
   3) $y = x - 11 + \cos x.$

2. $T =$ НЕ_ТОРОПИСЬ очиқ матнни $Y = E(x)$ шифлаш функцияси ёрдамида шифрланг.

$$T = \text{АНТИКАНАЛЬЧИК\_ВЕТТЕСС}$$

очиқ матн криптограммасини қуринг.

3. Фараз қиламиз потенциал фойдаланувчи тизимга кириш учун бир замонда $F(x) = x + K \bmod(1001)$ функция қийматини қўллади, бу ерда $x$ таймернинг охирги бешта ишончли рақамлари қиймати, $K$ эса фойдаланувчини ўзини сонли пароли. У тизимга яна бир карра кириб биладими?
4. Сирга эга бўлган ва бўлмаган бир томонлама функцияларга мисоллар келтиринг.
5. Очиқ $T$ матнни аниқланг, агарда шифрматн қуйидаги кўринишда бўлса

$$E = \text{ФВМЖТИВФЮ}$$

6. Фараз қиламиз $x_1, x_2, x_3$

$\psi(x) = x^3 + x - 7$

кўпҳадни илдизлари бўлсин. $T =$ НЕ_ОШИБИСЬ хабарни

$f(x) = 2x^7 + 7x^5 - 14x^4 - 4x^3 - 35x^2 - x + 10$

функция ёрдамида қуйидаги услубда шифрланг: $e = f(x_k) + s$, бу ерда $s$ жорий ҳарфнинг сонли эквиваленти, $x_k$ эса $\psi(x)$ нинг ихтиёрий илдизи.

7. $T =$ ВСТРЕЧА_ОТМЕНЯЕТСЯ_ЯВКА_РАСКРЫТА хабарни 2-нчи жадвал калити билан шифрланг.
8. $Y = E(X) = [X]$ функцияси $T$ очиқ матндаги ҳарфларнинг учрашиш частотасини тарқатиб юборади. Очиқ матнни шифрлаш учун масалан қуйидаги жавдалдан фойдаланамиз:

2-нчи жадвал

| t | 1 | 2 | 3 | …. | n |
|---|---|---|---|---|---|
| e | [0,1) | [1,2) | [2,3) | | [n-1,n) |

Масалан $T =$ БАС $= 2\_1\_3$ бўлса, у ҳолда қуйидаги шифрматнга эга бўламиз:

$E = 1.\alpha\_0.\beta\_2.\gamma$

бу ерда $\alpha, \beta, \gamma$ қийматлари диапазони жуда катта. Ушбу шифр қандай хоссаларга эга?

9. Ихтиёрий $n \neq 2$ учун $GF(2)$ да $n$-нчи тартибил келтирилмайдиган кўпҳадга мос $n$ даврнинг циклик кетма-кетлиги мавжудлигини исботланг. Кўрсатилган циклик кетма-кетликлардан фойдаланиб берилган хабар криптограммасини қуринг.

## 2. Оддий ўрнига қўйиш (алмаштириш) усули, ўрин алмаштириш усули, блокли шифрлар усули, гаммалаштириш усули(*2 амалий машғулот*).

Фараз қиламиз $A=\{t\mid t\in T\}$, $P=\{e\mid e\in E\}$мос равишда хабар ва шифрлаш алифболари бўлсин, бунда умумий ҳолда $n=|A|\geq|P|=m$ бўлади. Бир алфавитли алмаштиришда $A=P$ шарт бажарилганда ҳар бир $t\in T$ ҳарфга битта $e\in E$ ҳарфи мос қўйилади, яъни

$$e=K_1*t+K_2(\mathrm{mod}n),$$

ёки

$$e=t+K_2(\mathrm{mod}n),$$

Бу ерда $K_1$ ва $K_2$- бир вақтда ҳам шифрлаш ва ҳам дешифрлаш махфий калитлари, $n$ - $A$ алифбосидаги белгилари миқдори. $t\pm K(\mathrm{mod}n)$ кўринишдаги ёзув $A$ алифбосидаги $t$ ҳарфдан $\pm K(\mathrm{mod}n)$ позицияга ортда жойлашган ҳарфни англатади. Масалан, агарда

$$T=\text{ ШИФР ЗАМЕНЫ}$$

бўлса, унда $e=t+13(\mathrm{mod}33)$ бўлганда

$$E=\text{ ДЦАЭМФНЩТЪЗ}$$

шифрмаълумотга эга бўламиз. Кўриниб турибтики $T$ ни $E$ бўйича тиклаш учун $t=e-13(\mathrm{mod}33)$ тенгликдан фойдаланиш етарли.

Агарда $K$ калит сифатида муайян аниқ сўз ёки узунлиги $d$ бўлган

$$K=K_1K_2\ldots K_d$$

фраза (*махфий калит*) олинса, унда шу билан биз янада мураккаброқ бўлган ўрнига қўйиш усулини аниқлаймиз, унинг туб моҳияти қуйидаги шифрга (*Вижинер шифри*) олиб келади:

$e_i=t_i+K_i(\mathrm{mod}n)$,

бу ерда

$$K_i=\begin{cases}i(mod\ d), agar\ \ I/d\\ d, \quad\ agar\ i/d\end{cases}$$

$t_i$-очиқ матннинг $i$-нчи белгиси, $e_i$-шифрматннинг $i$-нчи белгиси. Масалан, агарда очиқ маълумот

$$T=\text{ ШИФР ЗАМЕНЫ}$$

ва

$$K=\text{ РРВО}$$

узунлиги 4га тенг бўлган махфий калит бўлса, унда Вижинер шифрматни қуйидаги кўринишда бўлади:

$$E=\text{ ИЩЧЯРШГЫЦЮЮ.}$$

Амалда узунлиги $d$ га тенг бўлган

$$K = K_1 K_2 \dots K_d$$

махфий калит билан Вижинер шифри бўйича $T$ очиқ матнни шифрлаш ва $E$ шифрматнни дешифрлаш учун Вижинер жадвалидан фойдаланиш мумкин:

Вижинер жадвали.

| А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А |
| В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б |
| Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В |
| Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г |
| Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д |
| Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е |
| Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё |
| З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж |
| И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З |
| Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И |
| К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й |
| Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К |
| М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л |
| Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М |
| О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н |
| П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О |
| Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П |
| С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р |
| Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С |
| У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т |
| Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У |
| Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф |
| Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х |
| Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц |
| Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч |
| Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш |
| Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ |
| Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ |
| Ь | Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы |
| Э | Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь |
| Ю | Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э |
| Я | _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю |
| _ | А | Б | В | Г | Д | Е | Ё | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я |

## Масалалар ва машқлар

1. ROT13(ОС UNIX) программаси лотин алифбоси ҳарфларини циклик тарзда 13 позицияга ўнг томонга суради. Фақат ROT13 программасидан фойдаланиб қандай қилиб криптограммани дешифрлаш мумкин?
2. Фараз қиламиз ЛЕДЕНЕЦ кодланган матн очиқ матннинг ПОВЕРНУТЬ КЛЮЧ НА 90% ВПРАВО фразасига мос келади.
   ЛЕДЕНЕЦ+ЛЕДЕНЕЦ+ЛЕДЕНЕЦ
   кодланган матнни дешифрланг.
3. Қуйидаги тенгликларни исботланг:
   а) $Y \oplus K = X$;
   б) $Y \oplus Y' = X$;

бу ерда $Y^{'}$ - $K$ калитнинг узунлиги катталигига сурилган шифрматн нусхаси.

4. Модул 2 бўйича қўшиш амали ёрдамида шифрлаш усули кучсиз бардошликка эга эканлигини исботланг.
5. Қандай қилиб шифрматндан келиб чиқиб модул 2 бўйича қўшиш амали ёрдамида шифрлаш усулининг махфий калитини топиш мумкин?
6. Ҳарфлаш учраши статистикасини қўллаб криптотаҳлил ўтказинг ва кириллча ҳарфларни суриш ёрдамида шифрланган

$$E = \text{ЫЛЧУВФНУЮЕГИХВФСЗИУЙГРЛИВХИНФХГ}$$

криптограммани дешифрланг.

7. Фараз қиламиз

$$X = \text{ШИФР\_СКРЫВАЕТ\_СОДЕРЖАНИЕ\_ТЕКСТА}$$

очиқ матн бўлсин ва унга жадвалдаги алмаштириш калити бир марта ва ҳосил бўлган сўзга яна бир марта ва ҳ.к. қўлланилади. Қанча шундай алматиришлардан кейин биринчи маротаба дастлабки $T$ очиқ матн пайдо бўлади?

Жадвал

| А | Б | В | Г | Д | Е | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш | Щ | Ъ | А | Б | В | Г | Д |

| О | П | Р | С | Т | У | Ф | Х | Ц | Ч | Ш |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Е | Ж | З | И | Й | К | Л | М | Н | О | П |

| Щ | Ъ | Ы | Ь | Э | Ю | Я | _ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| Р | С | Ь | Э | Ю | Я | _ | Ы |

8. **(Полибия шифри).** Қуйидаги жадвал асосида лотин алифбоси ҳарфларига биграммларни мос қўйиш усулини кўриб чиқамиз:

| | A | B | C | D | E |
|---|---|---|---|---|---|
| A | A | B | C | D | E |
| B | F | G | H | I | K |
| C | L | M | N | O | P |
| D | Q | R | S | T | U |
| E | V | W | X | Y | Z |

Ҳар бир ҳарфга, ушбу ҳарф жойлашган қатор ва устунни кўрсатувчи жуфт ҳарфларни мос қўйамиз (масалан V-EA, R-DB).

$$T = \text{ТЛЮСТЕН ВАШИ ФАТИМА НАШИ ДРУЗЬЯ}$$

очиқ матнни шифрланг. Ушбу шифрл бир алифболи бўладими?

9. $T$ = ЕС ИМ АНУШ АЙАСТАНИ АРЕВААМ БАРН ЭМ СИРУМ МЕР ЙИН САЗИ ВОГБАНВАГ ЛАЦАКУМАЦ ЛАРН ЭМ СИРУМ криптограммани дешифрланг.
10. $T$ = ЕИЙТДЕФЪЙЭ ФЭКЧЛЫ ДЧФЕЩГЕШДЕ СКЧ ВЯУЬЧ ШЩО МЩЙН_ЧЧ АЧФЫУЧ КИКХКУВ_ЯЙ

матнни тикланг.

11. Фараз қиламиз бирор очиқ матннинг криптограммаси ИЩЧЯРШГЫЦЮЮ кўринишда бўлсин:

$$(25+17)mod33 = 09 => y_1 = \text{И}$$
$$(09+17)mod33 = 26 => y_2 = \text{Щ}$$
$$(21+03)mod33 = 24 => y_3 = \text{Ч}$$
$$(17+15)mod33 = 32 => y_4 = \text{Я}$$
$$(33+17)mod33 = 17 => y_5 = \text{Р}$$
$$(08+17)mod33 = 25 => y_6 = \text{Ш}$$
$$(01+03)mod33 = 04 => y_7 = \text{Г}$$
$$(13+15)mod33 = 28 => y_8 = \text{Ы}$$
$$(06+17)mod33 = 23 => y_9 = \text{Ц}$$
$$(14+17)mod33 = 31 => y_{10} = \text{Ю}$$
$$(28+03)mod33 = 31 => y_{11} = \text{Ю}$$

Криптотаҳлил ўтказинг ва ушбу шифрни очинг.

12. (Вижинер шифри). $T$ очиқ маълумотдан $E$ шифрматнни ҳосил қилиш учун, дастлаб узунлиги $d$ бўлган $K = K_1K_2 \dots K_d$ махфий калитни $T$ очиқ маълумот ҳарфлари устида такрорлаб ёзиб чиқамиз. Бундан кейин очиқ маълумотни биринчи ҳарфидан бошлаб навбатдаги $e_i$ шифрни $t_i$ қатор ($t_i$ ҳарф жойлашган биринчи қатор) ва $K_i$ устун ($K_i$ ҳарф жойлашган биринчи устун) кесишмасида жойлашган ҳарф сифатида топамиз.

$E$ шифрматннинг навбатдаги $e_i$ ҳарфини дешифрлаш учун, уни жадвалдаги $e_i$ қатор ва $K_i$ устун кесишмасида жойлашган $t_i$ ҳарфи сифатида топамиз (бошланғич ҳисоб нуқтаси сифатида Вижинер жадвалининг биринчи сатри ва биринчи устунини танлаш лозим). Масалан $K$ махфий калит битта ЗИМА сўзидан, яъни $K = \text{ЗИМА}$ ва очиқ матн

$$K = \text{ШИФР\_ВИЖЕНЕРА\_Д Л Я\_Х АКЕРОВ}$$

иборат бўлсин.

У ҳолда Вижинер жадвали ёрдамида

$T$ =Ш И Ф Р _ В И Ж Е Н Е Р А _ Д Л Я _ Х А К Е Р О В

$K$ =З И М А З И М А З И М А З И М А З И М А З И М А З

$E$ =А Р Б Р Ж К Ф Ж М Х С Р З З Р Л Ж З В А С Н Э О Й

Ушбу Вижинер шифри қандай хоссаларга эга? Криптотаҳлили учун самарали усул таклиф этинг.

13. Модул 2 бўйича қўшиш амали ёрдамида шифрлаш усулини кўриб чиқамиз. $T$ очиқ матн битларига $K$ калитдаги мос битларини қўшиб чиқамиз (бу ерда белгилар учун ASCII кодидан фойдаланилган).

Масалан, агарда $T = A$ бўлса

$$BAC = 4120424143_{16} =$$

$$0100\ 0001\ 0010\ 0000\ 0100$$

$$0010\ 0100\ 0001\ 0100\ 0011_2$$

Унда $K = 1101$ калитни $T$ очиқ матн тагида бошидан бошлаб 10 маротаба такрорлаб ёзиб 2 модул қўшишни қўллаб қуйидаги криптограммани ҳосил қиламиз

$$E = 1001\ 1100\ 1111\ 1101\ 1001\ 1111\ 1001\ 1100\ 1001\ 1110$$

Ёки

$$E = 9CFD9F9C9E_{16}$$

(кўрсатилган алгоритм америкада ишлаб чиқилган рақамли уяли телефонларда овозли мулоқотларни махфийлаштириш учун ишлатилади). Ушбу шифрни очиш учун қандай самарали усул тавсия этиш мумкин?

14. Алмаштириш усулининг қандай турлари мавжуд? Уларга мос мисоллар келтиринг.

### *2.1.Ўрин алмаштириш усули.*

Ўрин алмаштириш шифрида очиқ матн ҳарфлари бошқаларига алмаштирилмайди, балки уларни келиш тартибининг ўзи ўзгаради. Шу сабабли ихтиёрий ўрин алмаштириш усулини реализация қилиш учун даставвал $T$ очиқ матн узунлиги олдиндан берилган $n$ га тенг бўлган блокларга бўлинади ва ўрин алмаштиришнинг берилган қоидаларига мос равишда блок белгилари ўрнини алмаштириш орқали очиқ матн блоклар бўйича шифрланади.

Ушбу берилган ўрин алмаштириш қоидалари шифрлаш калитини ташкил этади. Бунда кўриниб турибтики очиқ маълумот белгилари ўзгармайди, балки фақат уларни келиш тартиби ўзгаради.

Масалан, дастлабки очиқ матн

$$T = \text{ШИФР ПЕРЕСТАНОВКИ}$$

кўринишда бўлса, унда узунлиги 4га тенг бўлган ҳар бир блокдаги ҳарфларни 1-нчи, 2-нчи, 3-нчи, 4-нчи тартиб рақамларини мос равишда 2-нчи, 3-нчи, 4-нчи, 1-нчи рақамларга ўрнини алматиришдан кейин (бу ерда калит $K$=2341)

$$E = \text{ИФРШ ЕРЕПТАНСВКИО}$$

шифрматнни ҳосил қиламиз.

Умумий ҳолда, блок узунлиги $n$ –га тенг бўлганда, $T$ очиқ матн шифрлашини $n$-нчи даражали $S$ ўрнига қўйиш орқали амалга ошириш лозим:

$$S = \begin{cases} 1\ 2\ 3 \dots n \\ k_1 k_2 \dots k_n \end{cases}$$

бу ерда $k_i$ берилган ўрин алмаштиришда очиқ матннинг $i$-нчи ҳарфи тушадиган криптограммадаги жой рақами, яъни

$$e_i = \begin{cases} t_{ki}, & agar\ i \le n \\ t_{ki-n}, & agar\ i > n \end{cases}$$

$T$ дастлабки матнни ёзиш ва $E$ ни геометрик фигуралар (уларда ҳар хил маршрутларни кўриб чиқиш мумкин) орқали ўқишни бутунлай уникал бўлган усулларини ўйлаб топиш мумкин. Бундай шифр *маршрутли ўрин алмаштириш* деб номланади.

Масалан, фараз қиламиз

$$T = \text{ТОЛЬКО\_ДЛЯ\_СТУДЕНТОВ\_ФПМ\_КУБГУ}$$

очиқ матн берилган бўлсин. Дастлаб уни 5х6 ўлчовли тўғрибурчакли жадвалга қаторлар бўйича қуйидагича ёзиб чиқамиз:

| | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| Т | О | Л | Ь | К | О |
| _ | Д | Л | Я | _ | С |
| Т | У | Д | Е | Н | Т |
| О | В | _ | Ф | М | М |
| _ | Н | У | У | З | _ |

Сўнг $T$ матнни ушбу жадвалдан бошқа услубда, масалан устунлар бўйича қўйидаги кўринишда ёзиб оламиз:

$E$ =Т_ТО_ОДУВКЛЛД_УЬЯЕФБК_НПГОСТМУ

## Масалалар ва машқлар

15. Узунлиги $d$-га тенг бўлган калитли ўрин алмаштириш шифрининг калтилар фазосини аниқланг.
16. $K$ =13 06 14 калитли ўрин алмаштириш шифридан фойдаланиб берилган очиқ матнни шифрланг.
17. Узунлиги $d$-га тенг бўлган ўрин алмаштириш ва ўрнига қўйиш икки калит ёрдамида хосил бўладиган композицион шифрнинг калитлар фазосини аниқланг.
18. Рубик кубикга асосланган ўрин алмаштириш шифрининг ҳар схемаларини аниқланг.
19. Битта алфавит асосидаги барча ўрин алмаштиришлар ҳар хил шифрларининг тўплами кўпайтиришга нисбатан гуруҳни ташкил этишини исботланг.
20. Узунлиги ва даври $d$-га тенг бўлган иккилик ($P$-лик) циклик кетма-кетликлар миқдорини аниқланг.

21. *T* дастлабки матн статистик хоссаларини ўзгартириш учун полиалфавит ўрин алмаштириш усулидан фойдаланамиз, бунда калитлар камида иккита ҳар хил ўрин алмаштиришлар ва алфавитлар ёрдамида аниқланади.
Фараз қиламиз *E* шифрматн мос ўрин алмаштиришларни кўпайтмасини натижаси сифатида ёзилади. Аслида шу тариқа узунлиги шифрланадиган матнга тенг тенг бўлган калитга эга бўламиз.Бундай калитни “чексиз” деб номлаймиз. Ушбу шифр қандай устунлик ва камчиликларга эга бўлади?
22. Фараз қиламиз

$$T = \text{ПРИМЕР НАДЕЖНОГО \_ШИФРА}$$

очиқ матнни чексиз калит билан шифрлаш лозим бўлсин. *K* калит сифатида узунлиги шифрланадиган матн узунлигига тенг бўлган ихтиёрий матнни оламиз:

$$\boldsymbol{K} = \text{МАТЕМАТИКА\_ЦАРИЦА\_НАУК}$$

*E* шифрматнни ўзини тузиш учун қуйидаги жадвалдан фойдаланамиз.

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **Т** | **:** | **П** | **Р** | **И** | **М** | **Е** | **Р** | **_** | **Н** | **А** | **Д** | **Ё** | **Ж** | **Н** | **О** | **Г** | **О** | **_** | **Ш** | **И** | **Ф** | **Р** | **А** |
| | | **16** | **17** | **09** | **13** | **06** | **17** | **33** | **14** | **10** | **05** | **06** | **07** | **14** | **15** | **04** | **15** | **33** | **35** | **09** | **17** | **01** |
| **К** | **:** | **М** | **А** | **Т** | **Е** | **М** | **А** | **Т** | **И** | **К** | **А** | **_** | **Ц** | **А** | **Р** | **И** | **Ц** | **А** | **_** | **Н** | **А** | **У** | **К** |
| | | **10** | **01** | **10** | **01** | **10** | **01** | **10** | **01** | **10** | **01** | **33** | **22** | **01** | **10** | **01** | **02** | **01** | **33** | **10** | **01** | **02** | **10** |
| | **+** | **31** | **19** | **06** | **31** | **19** | **99** | **11** | **33** | **31** | **33** | **17** | **93** | **11** | **33** | **13** | **44** | **10** | **11** | | | | |
| | | **21** | **12** | **19** | **11** | **19** | **18** | **19** | **32** | **11** | **06** | **06** | **03** | **11** | **32** | **13** | **05** | **01** | **25** | **32** | **22** | **04** | **12** |
| | | **29** | **28** | **28** | **19** | **19** | **18** | **19** | **32** | **12** | **06** | **66** | **05** | **52** | **32** | **35** | **01** | **25** | **32** | **22** | **04** | **12** | |
| **Е** | **:** | **Ь** | **С** | **Ы** | **Т** | **Т** | **С** | **Т** | **Ц** | **Л** | **Е** | **Е** | **Э** | **О** | **Я** | **М** | **Д** | **А** | **Ш** | **Ц** | **Х** | **Г** | **А** |

Ушбу шифр криптобардошлигини баҳоланг ва уни очиш учун самарали алгоритм ишлаб чиқинг.
23. Фараз қиламиз *T* очиқ матн ва *K* калит ҳарфлари ASCII-кодда ифодаланган. У ҳолда калти узунлигига боғлиқ бўлмаган равишда $T \oplus K$ қўшиш амалини байт бўйича бажариб *E* шифрматнни ҳосил қиламиз. Бу эса ASCII-кодда ҳам ўрин алмаштириш натижасидир. Ушбу шифр қандай хоссаларга эга?
24. Амалиётда ўрин алмаштириш ва ўрнига қўйиш шифрлари одатда биргаликда ишлатилади. Маълумотлар ҳимояси симметрик тизимларига мансуб бўлган ахборот ҳимояси воситаларига амалий мисоллар келтиринг.
25. Ўрин алмаштириш усулининг қандай хиллари мавжуд?
26. Ўрин алмаштириш ва ўрнига қўйиш иккита шифрлаш усулларини ўзаро таққосланг. Ҳар бирининг устунлик ва камчилик томонларини кўрсатинг.

### *2.2.Блокли шифрлаш усули.*

Амалда кўпинча берилган узунликка эга бўлган блокли шифрлар қўлланилади, яъни элементар хабарлар битта ҳарфдан иборат бўлмасдан, балки иккита(биграмм), учта(триграмм) ва ундан кўп ҳарфлардан таркиб

топган алоҳида блоклардан иборат. Бундай шифрлар учун шифрлаш ва дешифрлаш блоклар бўйича амалга оширилади. n-ҳарфли алфавитдаги к-ҳарфли блок учун уларни сонли эквиваленти сифатида 0-дан $n^k - 1$-гача сегмент сонларини олиш мумкин, бунда ҳар бир блокни *n*- асосли саноқ системасида k-разрядли бутун сон деб қараш мумкин.

Масалан 26-ҳарфли инглиз алифбосидаги *NO* биграммасига $T = \begin{pmatrix} 13 \\ 14 \end{pmatrix}$ матрица мос келади, шифрловчи матрица эса

$$A = \begin{pmatrix} 2 & 3 \\ 7 & 8 \end{pmatrix}$$

кўринишга эга. У ҳолда *E* криптограммани қуйидаги кўринишда аниқлаймиз:

$$E = A*T = \begin{pmatrix} 2 & 3 \\ 7 & 8 \end{pmatrix}\begin{pmatrix} 13 \\ 14 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 68 \\ 203 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 16 \\ 21 \end{pmatrix}$$

бу криптограмма *QV* га мос келади. Очиқ *T* матнини тиклаш учун

$$T = A^{-1} * E = \begin{pmatrix} 14 & 11 \\ 17 & 10 \end{pmatrix}\begin{pmatrix} 16 \\ 21 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 68 \\ 203 \end{pmatrix} = \begin{pmatrix} 13 \\ 14 \end{pmatrix}$$

матрицавий тенгламани ечиш зарур. Агарда *T* очиқ матни *L* –та биграммлардан (уларга *2xL* ўлчовли матрица мос келади) иборат бўлса, у ҳолда *E* криптограмма олдинги ҳолга ўхшаб иккита матрицани $A*T$ кўпайтмаси ва очиқ матн эса

$$T = A^{-1} * E$$

шаклида аниқланади.

Умумий ҳолда очиқ матнни биграммига нисбатан

$$E = A\ *T + B$$

шифрловчи афин алмаштиришни қўллаш мумкин, бу ерда *B* 2x1 ўлчовли устун шаклидаги матрица. Дешифрлаш учун

$$T = A^{-1} * E + A^{-1} * B$$

тенгликдан фойдаланиш мумкин

**Масала ва машқлар**

27. Қуйидаги таққослаш тенгламалари системасини ечинг
$$\begin{cases} 2x + 3y \equiv 1 \bmod 26, \\ 7x + 8y \equiv 2 \bmod 26. \end{cases}$$
28. *n*-ҳарфли алифбо триграммлари (k-граммлари) учун нечта афин шифрловчи алмаштиришлар мавжуд?
29. *GF(P)* майдони устида $N_p(ax+b)$ чизиқли шифрловчи алмаштиришлар миқдорини аниқланг.
30. *GF(P)* майдони устида $N_p(ax+b)/(cx+d)$ каср-чизиқли шифрловчи алмаштиришлар миқдорини аниқланг.

31. *GF(P)* майдони устида $N_p(A)$ 2-нчи тартибли шифрловчи матрицалар миқдорини аниқланг.

32. *GF(P)* майдони устида $N_p(A*T+)$ чизиқли шифрловчи алмаштиришлар миқдорини аниқланг, агарда матн *n*-ҳарфли алифбо триграммларига (k-граммлари) бўлинган бўлса.

33. 26 ҳарфли *A-Z* алифбо (0-25 сонли эквиваленти) триграммларининг чизиқли шифрловчи алмаштириши ёрдамида шифрланган $T = FBRTLWUGAJQINZTHHXTERHBNXSW$ -хабарни дешифрланг. Охирги учта триграммлар – бу юборувчи *JAMESBOND*нинг имзоси эканлиги маълум. Дешифрловчи матрицани топинг ва хабарни ўқинг.

34. Фараз қиламиз $Y_K$ блокли шифрлаш функцияси, *K*-унинг махфий калити ва

1) $e_I = t_I \oplus Y_K(e_{I-1}), \qquad e_0 = const,$

2) $e_I = t_{I-1} \oplus Y_K(x_I \oplus e_{I-1}),\ t_0 = const,$

бўлсин, бу ерда $\oplus$ модул 2 бўйича қўшиш амали.

$$T = \text{БЛОЧНЫЙ\_ШИФР}$$

матнини шифрланг. Ушбу шифр қандай хоссаларга эга?

35. **(Иккиланган квадрат шифри)** Алифболар тасодифий жойлаштирилган иккита жадвал берилган бўлсин (бу ерда матрицаларнинг ўзи калит ролини ўйнайди). Очиқ матннинг ҳар бир жуфтлигига берилган жадвалларнинг ҳарфлар биграммларини мос қўйямиз. Ушбу шифр қандай хоссаларга эга эканлигини аниқланг.

36. Ўзаро бир қийматли шифрловчи акслантиришларнинг бир нечта оддий ҳолларини кўриб чиқамиз.

1. Ҳар бир *ab* биграммга [0, $n^2-1$] сегментдаги битта сонни мос қўямиз.

2. Ҳар бир *ab* биграммга $ab_n = a*n+b$ битта сонни (– n асосли саноқ ситемасидаги сон) мос қўямиз.

3. Ҳар бир *ab* биграммга $n^2$ модул бўйича битта сонни мос қўямиз.

4. Ҳар бир *ab* биграммга $n$ модул бўйича бир жуфт сонни ёки $\begin{pmatrix} a \\ b \end{pmatrix}$ устунли матрицани мос қўямиз.

Қандай шифрловчи акслантиришда мос шифр бардошлиги қониқарлироқ бўлади?

37. *n* ҳарфли алифболи *T* очиқ матннинг ҳар бир $a_1a_2a_3\cdots a_k$ - *k*-ҳарфли блокига

$(a_1a_2a_3\cdots a_k)_n = a_1n^{k-1} + a_2n^{k-2} + a_3n^{k-3} + \cdots + a_k$

сонни мос қўямиз.

Е криптограмма бўйича очиқ матнни тиклаш самарали алгоритмини ишлаб чиқинг.

### *2.3.Гаммалаштириш усули*.

Шифр гаммаси деганда очиқ маълумотларни шифрлаш ва шифрланган маълумотни дешифрлаш учун берилган алгоритм асосида ишлаб чиқиладиган псевдотасодифий кетма-кетлик тушунилади.

Гаммалаштириш усули билан шифрлаш – бу муайян қоида асосида шифр гаммасини очиқ матн билна қўшишдир.

3. *Псевдотасодифий кетма-кетлик* (ПКК) деб бирор алгоритм ёрдамида яратилган ҳар қандай кетма-кетликка айтилади.

Масалан

$$a_n = [\pi 10^n] - [\pi 10^{n-1}]$$

| $n$ | 0 | 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | … |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| $a_n$ | 3 | 1 | 4 | 1 | 5 | 9 | 2 | 6 | 5 | 3 | 5 | 8 | 9 | 7 | 9 | 3 | 2 | 3 | … |

тенглик ёрдамида $a_n$ кетма-кетликни аниқлаймиз.

Яхши конгурэнт генераторлардан бири чизиқли конгурэнтли датчик (ЧКД) ҳисобланади. У

$$X_{i+1} = (A * X_i + C) \bmod m$$

муносабат билана ниқланган $X_i$-псевдотасодифий сонлар кетма-кетлигини ишлаб чиқади. Бу ерда *A,C* – ўзгармаслар, *X(0)* – дастлабки бошланғич катталик. Ушбу *A,C*, *X(0)* учта катталиклар ахборот ҳимояси воситаси учун калитни ташкил этади.

Масалан агарда *A=C= X(0)*=7, *m*=10 бўлса, келтирилган муносабатдан узунлиги 4 бўлган қуйидаги даврий кетма-кетликни ҳосил қиламиз:
7,6,9,0,7,6,9,0,…….

Очиқ маълумотни гаммалаштириш усули билан шифрлаш учун очиқ маълумотни тасодифий сонлар генератори ёрдамида ҳосил қилинган шифр гаммаси билан қўшиш (масалан XOR амали ёрдамида) лозим.

Криптограммани дешифрлаш жараёни маълум бўлган калит ёрдамида шифр гаммасини такрорий генерация қилиб шифрланган маълумот билан қўшишга олиб келади (масалан, конгурэнт генераторлар ҳолатида калит *A,C*, *X(0)* лардан иборат ).

Амалда агар гамма даври шифрланган матн узунлигидан ошиб кетса ва очиқ матннинг ҳеч қандай қисми маълум бўлмаса, унда шифрни калитни тўғридан-тўғри «перебор» қилиш орқали очиш мумкин.

**Масала ва машқлар**

1. Фараз қиламиз псевдотасодифий кетма-кетлик (ПКК)

$$F_{n+2} = F_{n+1} + F_n (\bmod m)$$

Фибоначчи тенглиги орқали аниқланган бўлсин.

$m = p (m = p^k)$ бўлганда Фибоначчи кетма-кетлиги даврини аниқланг.

2. Фараз қиламиз псевдотасодифий кетма-кетлик (ПКК)

$$X_{n+2} = (A * X_n^2 + B * X_n + C) \bmod m$$

чизиқсиз тенглик орқали аниқланган бўлсин.

*A,B,C* коэффициентлар ва модул *m* – *GF(P)* майдон элементлари бўлганда ушбу кетма-кетлик даврини аниқланг.

3. Ҳужум натижаси дастлабки матн ва криптограммани фрагменти бўлган ҳолат мисолида шифрлаш усули камчиликларини келтиринг.

4. Фараз қиламиз псевдотасодифий кетма-кетлик (ПКК)

$$X_{n+1} = (A * X_n + B * X_{n-1} + C) \bmod p$$

тенглик орқали аниқланган бўлсин.

Берилган $X_0, X_1, A, B, C$ бутун сонлар учун ушбу ПКК энг катта даврини аниқланг.

5. $S_1, S_2, \ldots, S_L$ сонлар кетма-кетлигини ҳосил қилувчи

$S_1 = AS_0 + C (\bmod m)$,

$S_2 = AS_1 + C (\bmod m)$,

.....

$S_L = AS_{L-1} + C (\bmod m)$

алгоритмни кўриб чиқамиз. $S_0$ қиймат маълум бўлганда *L*-ни аниқланг.

6. Гаммалаштириш усули билан қурилган криптотизимга ҳужум алгоритмини ишлаб чиқинг.

7. Фараз қиламиз ПТС чизиқли конгурэнтли датчики

$$X_{i+1} = (A * X_i + C \bmod m)$$

муносабат билан тавсифланади. Одатда *m*-нинг қиймати $2^n$ ёки $2^{n-1}$ га тенг қилиб ўрнатилади, бу ерда *n* – машина сўзининг битлардаги узунлиги. Бунда *A* ва *C* сонларни шундай танлаш лозимки, кетма-кетлик даври максимал бўлсин.

*C* тоқ ва $A \bmod 4 = 1$ бўлгандагина ПТС чизиқли конгурэнтли датчики даври максимал *m* узунликка эга бўлишини исботланг.

8. Коэффициентлари $GF(p)$ майдондан олинган

$$f(x) = x^k - a_1 x^{k-1} - a_2 x^{k-2} - \cdots - a_k$$

нормалланган кўпҳад примитив бўлгандагина

$$X_n = (a_1 X_{n-1} + a_2 X_{n-2} + \cdots + a_k X_{n-k}) \bmod p$$

тенглик орқали аниқланган тасодифий сонлар кетма-кетлиги $GF(p^k)$ чекли майдонда узунлиги $p^k - 1$ бўлган даврга эга бўлишини исботланг.

9. Ҳар қандай $GF(p^k)$ майдонда ихтиёрий мусбат даражали примитив кўпҳад мавжуд бўлишини исботланг.

10. $GF(p^k)$ майдоннинг примитив элементлари сонини аниқланг.

11. $GF(p)$ майдон устида $\alpha$ элементнинг минимал кўпҳади деб коэффициентлари $GF(p)$ дан бўлган $M(\alpha) = 0$ шартни қаноатлантирувчи мумкин бўлган энг кичик даражали $M(x)$ нормалланган кўпҳадга айтилади.

$M(x)$ кўпҳади қандай хоссаларга эга?

12. $p=2$ бўлган ҳолда кафолатли тарзда олдиндан берилган узунликка эга бўлган тасодифий сонлар кетма-кетлигини қуриш мумкинлиги исботланг.
13. Артин гипотезасини исботланг ёки рад этинг: 2 элементи $GF(p)$ даги чексиз содда майдонлар учун примитив бўлади.

### 3. DES-АҚШ криптоҳимоя стандарти(*3 амалий машғулот*)

Маълумотларни шифрлаш симметрик криптизимлардан энг кенг тарқалган ва маълум бўлган – DES (Data Encryption Standart, 1977й.) стандарти - АҚШ федерал стандарти ҳисобланади. DES-алгоритми махсус электрон қурилмалар учун маълумотларни шифрлаш ва дешифрлаш учун ишлаб чиқилган. DES-алгоритмига биноан шифрлаш ва дешифрлаш ҳар бирининг узунлиги 48 битдан иборат $K=\{k_1,k_2,\dots,k_{16}\}$ битта калитлар тизими ёрдамида амлага оширилади.

Шифрлаш жараёни 64-битли $T$ кириш блокини бошланғич IP ўрин алмаштиришларидан, 16 цикл шифрлаш ва охирида $IP^{-1}$ ўрин алмаштиришлардан иборат. Ушбу алгоритм мукаммал тафсилотини маълум манбалардан топиш мумкин. Бу ерда биз фақат алгоритмнинг блок схемасини келтирамиз (3-нчи расмга қаранг).

Қурилган $L_{n-1}$ ва $R_{n-1}$ $(1\le n\le 16)$ эга бўлиб учун $L_n$ ва $R_n$ қуйидагича аниқлаймиз

$$L_n=R_{n-1},\quad R_n=L_{n-1}\oplus f(R_{n-1},K_n)$$

бу ерда $\oplus$ 2 модул бўйича битма-бит қўшишни англатади, $f$ –шифрлаш функцияси.

Дешифрлаш тескари тартибда амалга оширилади. Ҳақиқатан ҳам бу жараён жуда содда. Кўрсатилган тенгликларни

$$R_{n-1}=L_n,\quad L_{n-1}=R_n\oplus f(L_n,K_n)$$

кўринишда ёзиш мумкин ва шундай қилиб, $L_{16}$ ва $R_{16}$ дан бошлаб $L_0$ ва $R_0$ гача пастга тушиш мумкин, унда дешифрлаш жараёни аён бўлиб қолади.

DES-алгоритми тез ишлаши ва махфийлик нуқтаи назаридан керакли хусусиятга эга эканлигини эътироф этамиз: дастлабки хабар ёки калитни озгина ўзгариш криптоматннинг катта ўзгаришига олиб келади. Бундан ташқари криптотаҳлил кўпсонли чизиқсиз тенгламалар системасига олиб келади, яъни бунда вужудга келадиган масалалар камида $NP$ –тўлиқ масалалар бўлади. Яна шуни таъкидлаш жоизки АҚШ янги стандарти AES ҳисобланади.

Энди мазкур алгоритмнинг жава дастурлаш тилидаги дастурини кўрамиз.

```
import java.io.UnsupportedEncodingException;
import java.security.spec.AlgorithmParameterSpec;
import java.security.spec.KeySpec;
import javax.crypto.Cipher;
import javax.crypto.IllegalBlockSizeException;
```

```
import javax.crypto.SecretKey;
import javax.crypto.SecretKeyFactory;
import javax.crypto.spec.PBEKeySpec;
import javax.crypto.spec.PBEParameterSpec;
import java.io.*;
import java.security.KeyPair;
import java.security.KeyPairGenerator;
import java.security.NoSuchAlgorithmException;
import java.security.PrivateKey;
import java.security.PublicKey;
import javax.crypto.Cipher;
import java.io.IOException;

/**
 * @author ginanjar
 *
 * To change the template for this generated type comment go to
 * Window - Preferences - Java - Code Generation - Code and Comments
 */
public class DesEncrypter {
    Cipher ecipher;
    Cipher dcipher;

    // 8-byte Salt
    byte[] salt = {
        (byte)0xA9, (byte)0x9B, (byte)0xC8, (byte)0x32,
        (byte)0x56, (byte)0x35, (byte)0xE3, (byte)0x03
    };

    // Iteration count
    int iterationCount = 19;
    public static final DesEncrypter NAGASAKTI = new DesEncrypter("NagaSakti");

    private DesEncrypter(String passPhrase) {
        try {
            // Create the key
            KeySpec keySpec = new PBEKeySpec(passPhrase.toCharArray(), salt,
iterationCount);
            SecretKey key = SecretKeyFactory.getInstance(
                "PBEWithMD5AndDES").generateSecret(keySpec);
            ecipher = Cipher.getInstance(key.getAlgorithm());
            dcipher = Cipher.getInstance(key.getAlgorithm());

            // Prepare the parameter to the ciphers
            AlgorithmParameterSpec paramSpec = new PBEParameterSpec(salt,
iterationCount);

            // Create the ciphers
            ecipher.init(Cipher.ENCRYPT_MODE, key, paramSpec);
            dcipher.init(Cipher.DECRYPT_MODE, key, paramSpec);
        } catch (java.security.InvalidAlgorithmParameterException e) {
        } catch (java.security.spec.InvalidKeySpecException e) {
        } catch (javax.crypto.NoSuchPaddingException e) {
        } catch (java.security.NoSuchAlgorithmException e) {
        } catch (java.security.InvalidKeyException e) {
        }
    }

    public String encrypt(String str) {
        try {
            // Encode the string into bytes using utf-8
            byte[] utf8 = str.getBytes("UTF8");
```

```
            // Encrypt
            byte[] enc = ecipher.doFinal(utf8);

            // Encode bytes to base64 to get a string
            return new sun.misc.BASE64Encoder().encode(enc);
        } catch (javax.crypto.BadPaddingException e) {
        } catch (IllegalBlockSizeException e) {
        } catch (UnsupportedEncodingException e) {
        }
        return null;
    }

    public String decrypt(String str) {
        try {
            // Decode base64 to get bytes
            byte[] dec = new sun.misc.BASE64Decoder().decodeBuffer(str);

            // Decrypt
            byte[] utf8 = dcipher.doFinal(dec);

            // Decode using utf-8
            return new String(utf8, "UTF8");
        } catch (javax.crypto.BadPaddingException e) {
        } catch (IllegalBlockSizeException e) {
